

Ардоқли шоир ёш авлод хотирасида

Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби, унинг юксак бадиий, теран ва чуқур фалсафий шеърлари хаттоки ёшлар кўнглидан чуқур жой олган, десак муболаға бўлмайди. ГМ 418 гурух талабалари ва мураббий Д.Мустафоева биргаликда институтда барпо этилган Абдулла Ориповнинг ижод музейига ташриф буюрдилар. Абдулла Ориповнинг хаёти ва ижодига бағишилаб янги барпо этилган музейда шоирнинг миллий адабиётимиз, маданиятимизнинг юксалишига қўшган улкан хиссасини акс эттирувчи китоблар, муаллифнинг ижод ускуналари, қолаверса ижодий ҳаётидаги фойдаланган хар бир деталлар ва аксессуарлар дид билан кўрсатилган.



Шоирнинг ижодидаги мавзулар ҳаётнинг ўзи каби ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Айниқса, шоир шеърларининг хар бир сатридаги ҳалқона ҳикмат ва фалсафа, бетакрор топилмалар шоирнинг барча шеърларини севиб ўқишга ундейди. Абдулла Ориповнинг асарларида эзгулик ва ёвузлик, шавқат ва меҳрсизлик, инсон ва табиат, уруш ва тинчлик, аждодлар ва авлодлар ва бошқа шу каби ҳаётий муносабатлар етакчи мавзулар хисобланади. Ташриф чоғида талабалар шоирнинг ҳаёт ва ижод йўллари, ёзилган ноёб китоблари ҳамда дунё бўйлаб қилган саёҳатларига шерик бўлдилар.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати